

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОЛМИРЗАЕВ НОДИРЖОН НИЗОМЖОНОВИЧ**

**ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА  
МЕХНАТ АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**УЎК: 1:371.035.3:177/178**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Холмирзаев Нодиржон Низомжонович**

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтиришда меҳнат  
анъаналарининг ўрни .....3

**Холмирзаев Нодиржон Низомжонович**

Роль трудовых традиций в повышении социальной активности  
молодёжи ..... 23

**Kholmiraev Nodirjon Nizomjonovich**

The role of labor traditions in increasing the social activity of  
youth.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОЛМИРЗАЕВ НОДИРЖОН НИЗОМЖОНОВИЧ**

**ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА**  
**МЕҲНАТ АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Fal224 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Тўйчиев Бердикул Тўрақулович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Хусейнова Абира Амановна**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» июль соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 60 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «23» июнь даги 5 - рақамли реестр баённомаси.)



**Наврўзова Г.Н.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари. доктори, профессор

**Шаринов А.З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**СХ** **Саломова Х.Ю.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари ёшларнинг меҳнатга ижобий муносабатини шакллантириш, бандлигини таъминлаш масалалари, шу билан бирга эгоизм, ишсизлик, лоқайдлик каби жиддий муаммолар тизимини юзага келишига сабаб бўлган ҳолатларнинг ўрганилишини тақозо этмоқда. Бу эса ёшларда дахлдорлик, фидоийлик, тadbиркорлик, ташаббускорлик каби сифатларни ривожлантиришни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида инновацион ёндашувлар негизида илмий изланишлар олиб боришга ундамоқда. Мазкур ижтимоий омиллар ёшлар фаоллиги ва меҳнатга ижобий муносабатни уйғунлаштиришга оид дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш масаласини қўймоқда. Ҳалол меҳнат, унинг инсон баркамоллигини таъминлашдаги роли, шунингдек, ташаббускорлик ва гуманизм ғоялари ҳақидаги тушунчаларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё илм-фанида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, уларнинг бандлиги ва меҳнат билан боғлиқ фундаментал тадқиқотлар, хусусан меҳнат муносабатлари соҳасида аксиологик, рационалистик ва праксиологик йўналишларда олиб борилаётган тадқиқотлар ўзининг муҳимлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув жараёнида меҳнат анъаналаридан самарали фойдалана олмаслик, ёшларда касбий билим, малака ва кўникмаларнинг етишмаслиги, шунингдек, ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш, ҳисобга олиш ҳамда касбий ривожлантириш муаммоларини инновацион методлар воситасида махсус илмий тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун шароит яратиш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, тadbиркорликка ўргатиш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. "...Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз. ...ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тadbиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз"<sup>1</sup>. Демак, бугунги кунда ёшлар ижтимоий фаоллигини юксалтиришда меҳнат анъаналарининг ўрни масаласини ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Бу эса меҳнат анъаналарининг тажрибадан ўтган, аниқ илмий хулосаларга эга бўлган миллий, тарихий ва замонавий йўналишларда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил // <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (Мурожаат санаси 31.12.2020 йил)

Харакатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзуси ижтимоий фалсафанинг катта аҳамиятга молик муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан у хорижда ва Ўзбекистонда турли ракурсларда тадқиқ қилинган. Хусусан, хорижда чоп этилган илмий манбаларда муаммонинг турли жиҳатларига эътибор қаратилган бўлиб, Э.Кассисер, Э.Дюркгейм, М.Вебер, И.Г.Фихте, Т.Парсонс, Э.Гидденс каби олимлар томонидан олиб борилган фундаментал изланишларда ёшларда меҳнат кўникмалари ва маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий зарурияти билан боғлиқ муаммолар ўрганилган<sup>2</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан О.Парягина, Г.Гагаринская, А.Курылев, Н.Чернышенко, В.Цвыклар илмий изланишларида ҳам диққат марказимиздаги муаммонинг турли аспектлари ўз аксини топган. Уларнинг тадқиқотларида, асосан, жамиятда ёшларнинг меҳнат фаолияти ва унинг маданий мезонларини ижтимоий жараён сифатида тадқиқ этилган. Фалсафий мавзудаги диссертацион ишлар орасида бевосита тадқиқотимиз мақсадига яқин бўлган илмий изланиш сифатида Г.Баубекованинг диссертациясини келтиришимиз мумкин<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Кассирер Э. Опыт о человеке: Введение в философию человеческой культуры. (Перевод Муравьев А.Н.). Проблема человека в западной философии. Переводы Сост. и послесл. П.С. Гуревича; Общ. ред. Ю.Н. Попова. - Москва: «Прогресс», 1988. - С.28.; Дюркгейм Э.О. разделении общественного труда. - Москва: «Реабилитация», 1996. - С.432.; Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма. Избранные произведения. - Москва: Прогресс, 1990. - С.61-272.; Фихте И.Г. Назначение человека. Соч. в 2 томах. Сост. и прим. В.Волжского. - Москва: 1993. - С. 81.; Парсонс Т. О структуре социального действия. - Москва: Академический проект, 2000. - С. 335.; Гидденс Э. Социология. - Тошкент: Шарқ, 2002. -198-206 б.

<sup>3</sup> Парягина О. Молодой специалист: эволюция понятия в современных условиях. Право и образование. Москва, 2009.-№.1.- С. 99.; Гагаринская Г. Мотивация трудовой деятельности персонала на предприятиях. Монография. - Самара: Дом печати, 2000. - С. 50.; Курылев А. Трудовая этика современных российских

Шарқ мутафаккирлари меросида ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, касбий маданияти шаклланиши жараёнига оид фалсафий қарашлар ва пандномаларни турли аспектларда ўрганиш ва тадқиқ этиш қадимдан бошланган. Жумладан, жамият маданий тараққиётида ҳунарнинг ўрни, шахс камолоти жараёнида касбий маҳоратни ўзлаштириш ва эгаллаш, яратувчилик мазмундаги меҳнатга оқилона ва маданий муносабатда бўлишга оид масалалар “Авесто”да, Фаробий, Беруний, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Амир Темур, Бобур каби алломаларнинг илмий, фалсафий меросида чуқур таҳлил қилинган<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда меҳнат анъналарига маданий ёндашув бўйича қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу борада Г.Наврўзова, М.Нурматова, Х.Саломова, М.Қурононов, Н.Ҳакимов, Э.Зоиров каби олимларимиз мустақил илмий ёндашув асосида ижтимоий фойдали меҳнатни шахснинг маънавий-ахлоқий камолотидаги ўрни масаласини тадқиқ этишган<sup>5</sup>.

Ҳозирги даврда ёшларни ижтимоий фаоллаштириш, уларнинг жамият ривожига йўлида хизмат қилишига эришиш муаммосини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан таҳлил қилиш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш жараёнида меҳнат анъналарининг ўрни ва аҳамияти масаласи мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилган ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан монографик тарзда текширилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Фарғона политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф-1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган. (2017-2020 йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ёшлар ижтимоий фаоллигини юксалтиришда меҳнат анъналарининг ўрни ва аҳамиятини ижтимоий-фалсафий ва илмий-назарий асослаш ҳамда ёшлар онгини эгоизм, ишсизлик,

---

реиммигрантов: ценности труда и навыки самоорганизации. Общественные науки и современность. - 1998. - №5.; Чернышенко Н. Работа с молодыми специалистами. Начальная школа. -2010.- № 9.-С 3-4.; Цвык В. Нравственная ценность труда. Вестник РУДН. Сер. Философия, 2014,- № 2. С. 6-15.; Баубекова Г. Прогрессивные трудовые традиции узбекского народа и их использование в профессиональной ориентации старшеклассников. Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Ташкент:, 1984.

<sup>4</sup> Фаробий Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Тошкент: Ёзувчи, 2001.– 14 б.; Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, - Тошкент: Фан. 1968.–106 б.; Яссавий А. Ҳикматлар. – Тошкент: Шарқшунослик институти, 1991. – 256 б.; Яссавий А. Девони ҳикмат. – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2008. – 336 б.; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи Боқижон Тўхлиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990,- 30 б.; Кубро Шайх Нажмиддин. Шархе рисолайе одоб-ул зокирин. - Урганч, 1997.– 32 б.; Навоий А. Маҳбуб ул-қуллуб. Асарлар. 14-жилд.–Тошкент: Фан, 1998.- 304 б.; Амир Темур. Темур тузуклари –Тошкент: Шарқ, 2005.– 160 б.; Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 336 б.

<sup>5</sup> Наврўзова Г., Зоиров Э., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006.–6 б.; Нурматова М. Ахлоқий ва эстетик маданият.–Тошкент: TURON-IQBOL, 2016. –13 б.; Саломова Х. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. – Бухоро. Дурдона, 2018.–150 б.; Ҳакимов Н. Инсон экологияси. Монография. Тошкент, Иқтисодиёт, 2020.- 235 б.

лоқайдлик каби иллатлардан халос қилиш, шунингдек, улар онгига дахлдорлик, фидоийлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик каби сифатларни сингдириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

меҳнат анъаналари ва уни ташкил қилувчи компонентлар(хашар, устоз-шогирд)ни ёшлар ижтимоий фаоллиги билан уйғунлаштирувчи (бир-бирига ёрдам бериш, кўнгил олиш каби) маънавий хусусиятларини очиб бериш;

меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбияси детерминантларини (жисмоний, руҳий ва ахлоқий тарбияни) тадқиқ қилиш ва уларнинг ёшлар ижтимоий фаоллигига таъсирини илмий асослаш;

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга салбий таъсир кўрсатувчи (эгоизм, ишсизлик, лоқайдлик, бепарволик каби) ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёшлар меҳнат фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг касбий маданиятини юксалтириш принципларининг (халоллик, виждонийлик, ҳаромдан кўрқиш) устуворлигини таъминлаш жараёнини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида миллий меҳнат анъаналари (хашар, ўзаро ёрдам, кўмак бериш) ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда меҳнат тарбияси масалалари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда ёшлар ижтимоий фаоллигини юксалтиришда меҳнат анъаналари бўлган хашар, ўзаро ёрдам, кўмак бериш, устоз-шогирд масалалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, контент-таҳлил, диалектик, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, кузатув, сўров усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёшларда меҳнат анъаналари бўлган бирлаштирувчилик, яратувчилик, ташаббускорлик сифатларини ривожлантиришда меҳнатсеварлик, ўз касбини улуғлаш омилларидан ҳамда устоз-шогирд тизимидан, шунингдек, миллий ва умуминсоний кадриятлардан оқилона фойдаланиш зарурияти мантиқий далилланган;

ёшлар фаоллигини юксалтиришда миллий анъана, кадриятлар ва тарбия тизимининг диалектик алоқадорлиги (таркибий тузилмаси, талаблари) ва детерминистик хусусиятлари (жисмоний, руҳий ва ахлоқий тарбия) муҳим аҳамиятга эга эканлиги меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбияси тушунчалари контекстида илмий-назарий асосланган;

меҳнат муносабатларида ёшлар ижтимоий фаоллигига негатив таъсир кўрсатувчи рационалистик (касбий билим, малака ва кўникманинг етишмаслиги) ва праксиологик (лоқайдлик, масъулиятни ҳис этмаслик, дизадаптация) омилларни бартараф этишнинг “сабаб-оқибат” алоқадорлиги асосидаги ижтимоий-фалсафий моҳияти фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик категориялари воситасида очиб берилган;

ёшларнинг ўзгарувчан меҳнат бозори шароитларига мослашишлари меҳнат маданияти тамойиллари (ташаббускорлик, стратегик мақсад, маркетинг саводхонлиги)ни тизимлаштириш ва ёш мутахассисларни режалаштириш, уларнинг фаолиятига баҳо бериш каби инновацион таъсир

турларини такомиллашиб боришига боғлиқ эканлиги назарий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

меҳнат анъаналарининг миллий ва замонавий хусусиятлари уйғунлиги асосида ёшлар фаоллигини юксалтириш имконияти мантиқий асосланган;

ёш мутахассислар касб фаоллигини орттиришда уларнинг тафаккур тарзини юксалтириш, илмий-ижодий изланиш кўникмасини ҳамда касбий лаёқатини ошириш муҳим эканлиги исботланган;

замонавий бошқарув тўғрисидаги хулосалар ёшларнинг меҳнат бозорида ўз касби бўйича муносиб иш ўринларини топишлари, жамоада дўстона ишчанлик муҳити юзага келишига хизмат қилувчи тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан расман эълон қилинган маълумотларга таянилгани, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланганлиги, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-фалсафий, диалектик, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, кузатув, сўров усуллари воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбияси уйғунлиги орқали ёшлар ижтимоий фаоллигини юксалтириш, уларнинг меҳнат бозоридаги ўзгарувчан шароитларга мослашишларини таъминлаш, меҳнат муносабатларига негатив (лоқайдлик, масъулиятни ҳис этмаслик ва бепарволик каби) таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш билан белгиланади. Шунингдек, “Фалсафа”, “Меҳнат социологияси”, “Касбий психология”, “Касбий фаолият психологияси” фанларидан керакли мавзуларни ўтишда, ўқув-услубий қўлланмаларни яратишда, луғат-маълумотномалар тузишда назарий-методологик манба сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёш мутахассислар касб фаоллигини ривожлантириш, уларнинг тафаккур тарзини юксалтириш, илмий-ижодий кўникмаси ҳамда касбий лаёқатини ошириш билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот ишидан олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари Агентлиги, турли нодавлат муассасалари, Республика Маънавият ва тарғибот маркази ва унинг жойлардаги бўлимлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича хизматчи ва мутахассисларнинг амалий фаолиятида, ёшларни касбга

ўргатиш, ижтимоий фаоллигини юксалтиришга қаратилган фаолиятларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтиришда меҳнат анъаналарининг ўрни муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ёшларда меҳнат анъаналари бўлган бирлаштирувчилик, яратувчилик, ташаббускорлик сифатларини ривожлантиришда меҳнатсеварлик, ўз касбини улуғлаш омилларидан ҳамда устоз-шогирд тизимидан, шунингдек, миллий ва умуминсоний қадриятлардан оқилона фойдаланиш зарурияти мантиқий далилланганлигига оид илмий-назарий хулосалардан А-1-099 рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 89-03-4206-сон маълумотномаси). Натижада давримизнинг ёшлар олдида кўндаланг кўяётган замонавий ижтимоий фаоллик талаблари тўғрисида фалсафий мушоҳадаларини ифодалаб беришга хизмат қилган;

ёшлар фаоллигини юксалтиришда миллий анъана, қадриятлар ва тарбия тизимининг диалектик алоқадорлиги (таркибий тузилмаси, талаблари) ва детерминистик хусусиятлари (жисмоний, руҳий ва ахлоқий тарбия) муҳим аҳамиятга эга эканлиги меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбияси тушунчалари контекстида илмий-назарий асосланганлигига оид назарий-методологик хулоса ва таклифлардан А-1-099 рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 89-03-4206-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида ёзилган услубий кўрсатманинг илмий бойитилишига эришилган;

меҳнат муносабатларида ёшлар ижтимоий фаоллигига негатив таъсир кўрсатувчи рационалистик (касбий билим, малака ва кўникманинг етишмаслиги) ва праксиологик (лоқайдлик, масъулиятни ҳис этмаслик, дизадаптация) омилларни бартараф этишнинг “сабаб-оқибат” алоқадорлиги асосидаги ижтимоий-фалсафий моҳияти фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик категориялари воситасида очиб берилганлигига оид хулоса ва таклифлардан Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорига асосан “Маънавият фестивали” ва “Бахтга ҳақли эл” шиори остида ўтказилган тадбирларнинг сценарийларини тайёрлаш ва амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 14 ноябрдаги 02-014-1534-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ортиши, маънавий қиёфасининг шаклланишига оид профилактик тадбирларда юқори самараларга эришилган;

ёшларнинг ўзгарувчан меҳнат бозори шароитларига мослашишлари меҳнат маданияти тамойиллари (ташаббускорлик, стратегик мақсад, маркетинг саводхонлиги)ни тизимлаштириш ва ёш мутахассисларни режалаштириш, уларнинг фаолиятига баҳо бериш каби инновацион таъсир турларини такомиллашиб боришига боғлиқ эканлиги назарий жиҳатдан асосланганлигига оид хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Фарғона вилоят кенгаши томонидан, хизмат жараёнида фойдаланиш учун мувофиқлаштирувчи йўриқнома ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 4 ноябрдаги 04-13/4967-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг меҳнат бозорларида касбига мос иш ўринларини топишлари, меҳнат муносабатларида, иш берувчи ва жамоа аъзолари орасида дўстона ишчанлик муҳитини яратиш жараёнига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ижтимоий фаоллик тушунчаси тадқиқининг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида ижтимоий фаоллик категориясининг мазмун-моҳияти, тузилиши, намоён бўлиш шакллари, файласуф олимлар томонидан ўрганилиши ва ёшлар ижтимоий фаоллигига таъсир кўрсатувчи омиллар тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу бобда ижтимоий фаоллик эволюцияси ва уни ёшлар тафаккурида шакллантиришнинг фалсафий-методологик жиҳатлари таҳлил қилинган.

Ижтимоий фаоллик мураккаб тушунча бўлиб, ҳозирги даврда файласуфлар инсоннинг “ижтимоий фаоллик” тушунчаси мазмун-моҳиятини кенг ва тор маънода талқин қиладилар. Кенг маънода ижтимоий фаоллик тушунчаси шахснинг ижтимоийлашиш даражасини акс эттирувчи омил

сифатида, тор маънода эса шахснинг муайян ижтимоий борлиқ билан бевосита алоқалари натижаси сифатида тушунилади.

Таъкидлаш лозимки, шахс ижтимоий фаоллигининг моҳияти ижобий фаолиятни мужассамлашувчи муносабатларга ижодий муносабатда бўлиш жараёнидан иборат. Ушбу фикрга кўплаб файласуф олимлар хайрихоҳлик билдиришади. Бизнингча, ижтимоий фаолликнинг моҳияти ва мазмунини инсон фаолиятидаги шахсий фаоллик муносабатларини эътиборга олмасдан аниқлашнинг имконияти йўқ. Шу ўринда айрим файласуф тадқиқотчиларнинг “ижтимоий фаоллик” ва “фаолият” тушунчаларининг ўзаро муносабати бўйича турлича мустақил ёндашувлари ва фикрларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: А) “ижтимоий фаоллик” тушунчаси, “фаолият” категориясидан кенгроқдир. Б) “ижтимоий фаоллик” категорияси “фаолият” категориясидан торроқ. Жумладан, Л.Ф. Алексеева, “ижтимоий фаоллик” категориясини “фаолият” категориясидан кенгроқдир деб таъкидласа<sup>6</sup>, О.Е. Борзилова, О.Ю. Казуровалар эса “ижтимоий фаоллик” категориясини “фаолият” категориясидан торроқ деб ҳисоблашади<sup>7</sup>.

Жамиятшунос олимлар вакилларининг тасаввурларидаги бундай гносеологик ёндашувларнинг ҳаммасини кўллаб қувватлаб бўлмайди. Бизнингча, бу категориялар инсон ижтимоий турмуши жараёнида, бутун ва қисм сифатида ўзаро муносабатда бўлади, яъни ижтимоий фаоллик субъектнинг дунёқараши ва фаолиятида амалга оширилади. Демак, ижтимоий фаолликнинг моҳиятини ҳаётга онгли, ижодий муносабат, шахснинг ўзини-ўзи чуқур ва тўлиқ рўёбга чиқаришидир, деган гносеологик хулоса билан баҳолаш рационалроқдир.

Ижтимоий фаоллик тушунчаси жаҳондаги бир қатор етакчи файласуф олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, тадқиқотчи В.С.Мухина шахснинг ижтимоий фаоллигини дунёқараш – муқаррарлик – иродага асосланганини, исботсиз, ҳам қабул қилинувчи қоида деган фикрни илгари сурган бўлса, В.Ф. Бехтерев ижтимоий фаоллик деганда шахснинг онгида намоён бўлувчи фаолиятнинг ижтимоий муҳимлигини англаш заруратини ва фаолиятга тайёрлик фазилатини тушунади. К.А.Абулханова-Славскаянинг фикрича, шахснинг ижтимоий фаоллиги унинг фаолиятга муносабатида намоён бўлади. Мавзуга доир фалсафий йўналишда чоп қилинган адабиётларнинг таҳлили ушбу тушунча моҳияти ва мазмунига муаллифларнинг турли-туман, қарама-қарши нуктаи назарлари мавжудлиги, муаммонинг илмий фалсафий таҳлиliga плюралистик муносабат, ижтимоий фаоллик масаласи тадқиқи доирасида ягона таъриф шаклланмаганидан далолатдир.

“Ижтимоий фаоллик” тушунчаси таърифларининг умумлашма маълумотлари асосида контент-таҳлилни амалга ошириб, тушунчанинг фалсафий моҳиятини қуйидагича таърифлашни таклиф қиламиз.

Фикримизча, ижтимоий фаоллик – бу шахснинг жамият манфаатларига мос равишда ижтимоий муҳит билан онгли ўзаро алоқаси, ўзини ва

<sup>6</sup> Алексеева Л.Ф. Активность в деятельности человека. Монография. Тошкент: Изд-во ЦНТИ, 2000. С. 320.

<sup>7</sup> Борзилова О.Е., Казурова О.Ю. Социальная активность студенческой молодежи: опыт социологического исследования, Научная мысль Кавказа, 2006. № 13. – С. 104.

ижтимоий-маданий муҳитни ўзгартириш, ички (руҳий) ва ташқи (амалий) фаолият жараёнида интегратив сифати ва мустақил, ташаббускор, мақсадлари томон йўналтирилган фаолиятдир.

Ижтимоий фаолликни икки қарама-қарши ўлчовда – позитив ва негатив сифатида ўрганиш мумкин. Одамлар ва индивиднинг ўзини, жамият манфаати учун онгли равишда ўзгартиришга қаратилган ижтимоий ҳаракати позитив фаоллик сифатида намоён бўлади. Кишилиқ жамиятида салбий фикрлайдиган, ижтимоий хавфли шахслар ҳам шаклланади, улар онгли ҳаракат қиладилар, ўз ҳаракатлари натижаларини бошқалардан олдин пайқайдилар. Аммо улар ассоциал бўлиб, масъулият туйғусидан маҳрумдирлар. Жамиятга ассоциал таъсир кўрсатишни негатив ижтимоий фаолликка киритиш керак<sup>8</sup>. Шу билан бир қаторда ижтимоий фаолликка антипод сифатида ижтимоий пассивлик ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолат одамнинг ижтимоий идеаллар ва вазифалардан узоқлашишида ифодаланади.

Ижтимоий фаолликнинг намоён бўлиш шакллари табиийки шахс шаклланган жамиятнинг маҳсулидир. Бу маънода ижтимоий фаоллик мос равишдаги ижтимоий уюшма ва гуруҳлар учун хос бўлган шахснинг ижтимоийлашув кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Ижтимоий фаоллик турли шаклларда, нафақат индивидуал тарзда, шунингдек, у ёки бу ижтимоий уюшмаларнинг манфаатлари ва имкониятларини амалга ошириш учун йўналтирилган гуруҳ, жамоавий, ташкилий кўринишларда амалга оширилиши мумкин. Инсон уни ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳасида намоён қилиши ҳам муҳим. Ижодий ва самарали меҳнат, ижтимоий ташаббуслар, ишлаб чиқариш ва жамият бошқарувида, янги ижтимоий норма ва кадриятларни шакллантиришда кенг имкониятлар тақдим этувчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ўқув-профессинал фаолият ва меҳнат фаолияти ижтимоий фаолликнинг асосий соҳалари ҳисобланади.

Ёшларни болалиқдан фаолликка ўргатиш келажакда, ижтимоий фаолияти давомида ютуқларга эришишининг асосини ташкил этади. Жамиятда, бевосита демократик аҳамият касб этадиган, инсон манфаатлари ечимига қаратилган ислохотлар туфайли, боланинг ҳаётда улғайиб, ўзига муносиб касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади<sup>9</sup>. Бу борада буюк файласуф Афлотун шахс келажаги билан шуғулланувчиларга қуйидагича мурожаат қилади: “Болалар кейинчалиқ қайси машғулот бўйича камол топишлари зарур бўлса ўшанга тааллуқли, уларнинг мойиллик ва қизиқишларини ўйин ёрдамида ўшанга йўналтиришга ҳаракат қилсин”<sup>10</sup>. Демак, инсондаги фаоллик, жамият қаърида кечаётган жараёнларда иштирок этишга интилиш, айнан гўдақликдан ва болани рағбатлантиришга мўлжалланган тадбирлардан бошланади.

<sup>8</sup> Мухина В.С. Возрастная психология: феноменология развития, детство, отрочество: Учебник для студ. вузов. - 4-е изд., стереотип. / Мухина В.С. Москва: Издательский центр «Академия», 1999. – С. 24

<sup>9</sup> Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 156-157 б.

<sup>10</sup> Афлотун. Қонунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 31 б.

Инсон ҳаётидаги муҳим босқич ҳисобланган болалик давридаёқ бошланган маънавий юксалиш, мактабга борганида, дунёвий билимлар асослари билан танишуви натижасида юқори босқичга кўтарилади. Энди боланинг оила ва боғчада олган тарбиявий малакаси мактабда ўз самарасини бера бошлайди. Бу самарани тўғри баҳолаш, ижобийларини болада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мактаб ўқитувчиси ва мураббийга боғлиқ. Мактаб ёшидаги болани тарбия қилишда, боланинг ижодий ҳаракатларини чегараламаслик лозим. Ўқитувчилар фаолиятидаги намунали ҳаракат, ўзи намуна кўрсатиб вазифаларни бажариб кўрсатиши, ўқувчиларни рағбатлантириши, амалий фаолиятга йўналтириши уларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Ёшлар ижтимоий фаоллигини шакллантиришда таълим ва тарбиянинг улар шуурига сингдиришдаги таъсирли, самарали усули айти болаликдан, ўсмирликдан ўрганишга киришиладиган хунармандчилик, уста-шогирдлик, оилавий тадбиркорлик асосларини билиш, кичик бизнес асослари, усулларини эгаллаш жараёнида намоён бўлади.

Ёшларнинг касбий кўникма, мутахассислигига хос бўлган муносиб билимга эга бўлиши, ихтисослиги учун зарур бўлган махсус билимларни чуқур ўрганиши ва эгаллаган билимларини фаолияти давомида намоён қила олиши унинг фаоллик даражасини белгилайди. Юқори даражадаги ижтимоий фаолликнинг шаклланишида мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари ўқув дастурларига киритилган фанларни ўқитиш ва касбий кўникмалар шаклланиш жараёнида таҳлил қилиш, қиёслаш ва ташаббус кўрсатиш услубларидан фойдаланиш кутилган самара беради.

Ўқувчиларни миллий тарихимизнинг турли босқичларида яшаган, фан ва маданият, миллий иқтисодиёт тараққиётига бетакрор ҳисса қўшган буюк сиймолар фаолияти билан таништириш, миллий байрамлар тарихи ва мазмуни, жамиятдаги ижтимоий аҳамияти, халқ оғзаки ижодидан сўзлаб бериш, ҳалол меҳнатни улуғлашга бағишланган бадиий адабиёт, санъат асарларидан мисоллар келтириш, инсон камолотини улуғловчи шеърлар ўқиб бериб, яъни қиёслаш, таҳлил қилиш ва намуна кўрсатиш каби услублар ёшларда фаолликни шакллантиришнинг асосий омилларидандир.

1-боб якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ижтимоий фаоллик – ижтимоий субъектнинг ажралмас қисми(атрибути), унинг барча ижтимоий сифатлари, субъектив ижтимоий сабаби, манбаси ва асосидир.

2. Ижтимоий фаоллик – инсоннинг атроф муҳит билан диалектик муносабати бўлиб, у билан ўзаро алоқасида ҳам воқелик, ҳам инсоннинг ўзи ўзгаради.

3. Боланинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши унинг ёшлиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади. Демак, фаоллик айнан гўдакликдан бошланади ва бутун умр давом этади.

4. Ёши улуғ кишилар ёшларда ижтимоий фаолликни юксалтириш учун уларга “сен олим бўласан”, “сен учувчи бўласан”, “сен буюк инсон, катта устоз бўлиб етишасан” ва бошқа шунга ўхшаш илҳомбахш ва умидбахш

сўзларни доимо такрорлаб, яхши тилакларни билдириб туришлари ҳам зарурдир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Меҳнат анъаналарини ёшлар фаоллигига таъсирининг ижтимоий-маънавий омиллари**» деб номланиб, унда ўзбек халқи меҳнат анъаналари ва уларнинг ёшлар фаоллигига ижобий таъсир ўтказувчи маънавий хусусиятлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, ушбу бобда миллий меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбияси уйғунлиги асосида ёшлар фаоллигини оширишнинг фалсафий жиҳатлари ёритилган.

Меҳнат – тажриба ва одатларнинг инсон фаолиятида турли шаклда такрорланиши бўлса, меҳнат анъаналари – ўзида инсонпарварлик, жамоа бўлиб ишлаш, ўзаро бирдамлик, шахсий интеллектуал имкониятларини Ватан, жамият равнақига сафарбар этиш каби ижтимоий характерга эга бўлган, моддий ва маънавий кадриятлар мажмуидан иборат.

Ўзбек халқи меҳнат анъаналари орасида алоҳида аҳамиятга эга устоз-шогирд анъаналари ҳунар ўрганиш, касбий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган анъаналарнинг замини ҳисобланади.

Диссертациянинг ушбу бобида устоз ва шогирд тизимининг мазмуни, моҳияти, генезиси, бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашуви жараёнидаги ўрни, касблар трансформацияси масалалари тадқиқ қилинган.

Ўзбек халқининг энг қадимий одатларидан бири ҳисобланган ҳашарнинг ижтимоий ҳаётимизда одамларни бирлаштирувчилик, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбияловчи ўзига хос ахлоқий омил сифатида ўрни каттадир. Бугун ҳам ҳашарнинг янги кўринишларда бирлаштирувчилик ролини эътироф этиш мумкин. Хусусан саҳоват ва кўмак шаклида халқимизни пандемия олдида бирлаштирганлигини бунга яққол мисол ҳисобланади.

Инсон меҳнати натижалари намоён бўладиган миллий анъаналар сифатида шаклланган халқ миллий байрамлари - Наврўз, Меҳржон ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган сумалак, лола сайли, маросимлари ва удумларимиз барча даврларда ёшларни дўстлик, бирдамлик, иноқлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, яратувчилик ҳамда аждодларимиз анъана-удумларига содиқлик руҳида тарбиялаш, улардаги ҳалол меҳнатга, маънавий гўзалликка ва интеллектуал ривожланишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишларини рағбатлантириши билан аҳамиятлидир. Бундай ижтимоий жараёнлар ёшларда жамиятнинг барча жабҳаларида фаолликнинг ортишини таъминловчи омиллар сирасига киради.

Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида мамлакатимизда турли ижтимоий қатлам вакиллариининг меҳнат байрамлари шаклланган бўлиб улардан: “Журналистлар куни”, “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”, “Коммунал хўжалик ходимлари куни”, “Шифокорлар куни”, “Ички ишлар ходимлари куни”, “Театр куни” кабилар ёшлар камолотида, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини, зарурлигини улуғлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Касбий байрамларни нишонлаш жараёнидаги муҳим ижобий хусусият шундан иборатки, жамиятда муайян касб эгалари меҳнатининг улуғланиши, унга жамият аъзолари томонидан ҳурмат бажо келтирилиши, ушбу касбнинг

ижтимоий зарурияти давлат ташкилотлари томонидан алоҳида таъкидланиши касбни эгаллаш учун ҳаракатни фаоллаштиради. Бу жараён ўз навбатида, ёшлар фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган потенциал имкониятларини фаоллаштириб, ташаббускорлик, касбий тайёргарлик, кўникмаларни мунтазам такомиллаштириб бориш эҳтиёжини шакллантиради. Умуман, миллий байрамларимиз ёшларда меҳнат кўникмаларини таркиб топтиришнинг муҳим манбаидир.

Миллий меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбияси уйғунлиги асосида ёшлар фаоллигини ошириш демократик ислохотлар кўламини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Меҳнат фаолияти инсонда бирдан-бир табиий эҳтиёж ва яшаш, жамият ва атроф муҳит уйғунлиги муносабатларини таъминлаш учун ижтимоий заруриятдир, яъни инсон ҳаётини ижтимоий фойдали меҳнатсиз тасаввур этиш қийин жараёндир.

Таъкидлаш жоизки, демократик ислохотлар туфайли ўзбек халқининг тарихан шаклланиб келаётган меҳнат анъаналари ҳам сиёсий ва мафкуравий занжирлардан халос бўлди ва юксак тараққиёт омилига айланди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Президенти таъкидлаганидек, "...юртимиз қадим-қадимдан бунёдкорлик анъаналари билан дунёга донг таратиб келган"<sup>11</sup>.

Меҳнат анъаналарининг таянчи сифатида ёшларни ижтимоий, иқтисодий ҳаётга, ижтимоий меҳнат фаолиятида фаол иштирок этишга тайёрлаш, яъни меҳнат тарбияси жамиятимиз тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Жамиятда меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбияси замирида шахснинг ахлоқий сифатлари: меҳнатсеварлик, атроф муҳит, табиатни авайлаб асраш, табиий ресурсларни исроф қилмаслик, сахийлик, ўзгаларнинг меҳнатини қадрлаш, меҳнат бахт келтиришини англаш каби тушунчалар ётади ва улар ёшларнинг меҳнат тарбияси тамойиллари асосида вояга етказиш ҳамда ижтимоий фаоллиги ортишида катта амалий аҳамият касб этади. Ўз навбатида меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбиясининг ўзаро сабабий боғланишлар асосидаги бирлигини кўриш мумкин. Булар ёшларни жисмоний, руҳий ва ахлоқий тарбиясини бирдек талаблар асосида ривожлантиришида намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида меҳнат анъаналарининг янгича кўринишда бандлик шакллари сифатида трансформацияси кузатилмоқда. Жумладан, олибсотарликнинг брокерлик, ноширликнинг блогерлик, ҳашарнинг шанбалик, мулкдорликнинг тадбиркорлик, ер пудратчисининг фермерлик кўринишида замонавий шаклга ўтиши бу каби меҳнат анъаналари билан боғлиқ меҳнат тарбиясининг таркибий тузилмасида ҳам ўзгариш бўлишини ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни талаб этмоқда.

Фуқаролик жамияти ривожланиши меҳнатга муносабатни инновацион тараққиёт талаблари асосида шакллантириш, ёшлар меҳнат тарбиясига янгича, комплекс ёндашиш, эгалланган касбий билимларини амалиётда

---

<sup>11</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 436 б.

қўллаш олишларини таъминлаш заруриятини илгари сурмоқда. Жамиятнинг жадал тараққиёт палласига кирганлиги туфайли, ёшларда меҳнат анъаналари асосида олинган меҳнат тарбиясининг таркибий тузилмаси ва талаблари ҳам ўзгармоқда, эндиликда ушбу жараён рақамли технологияларни тушуниш, кундалик фаолиятида самарали фойдаланиш каби амалий вазифаларни ҳал этиш кўникмаси шаклланишида намоён бўлади.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида, меҳнат анъаналари ва меҳнат тарбияси тизимидан самарали фойдаланган ҳолда ёшлар фаоллигини оширишга инновацион ёндашув туфайли, тўлиқсиз иш вақти феноменини ривожлантириш натижасида тадбиркорлик субъектларида, хунармандчилик меҳнат анъаналарига таяниб фаолият кўрсатадиган кичик бизнес ва оилавий корхоналар амалиётини янада ривожлантириш мумкин. Бу борада учрайдиган айрим муаммонинг ечимини топишда қуйидаги ижтимоий-фалсафий жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: ёшлар орасидан муайян касб ва лавозимда тўлиқсиз иш вақти билан меҳнат қилувчиларни аниқлаш; улар динамикаси ҳисобини юритиш; меҳнат биржаларига тўлиқсиз иш вақтида ишлаш учун бўш турган иш ўринларининг мавжудлиги тўғрисидаги тезкор маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишини ташкил қилиш; бандликнинг ушбу шаклига қизиқувчи ёшларнинг тўлиқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш учун маҳаллий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2-боб якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Меҳнат анъаналари - барча даврларда ёшларни дўстлик, бирдамлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик ҳамда аждодларимиз удумларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ҳалол меҳнатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

2. Ёшлар фаоллигини юксалтирувчи меҳнат анъаналарининг бирлаштирувчилик, тадбиркорлик, соғлом рақобат, фидокорлик, ташаббускорлик сингари атрибутлари жамият тараққиёти учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

3. Болаларга ёшлигидан маълум бир касб-хунар ўргатиш лозим. Бола касб-хунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг уни касб-хунаридан фойдаланишга, яъни ҳалол меҳнат билан мустақил ҳаёт кечиришга ўргатиш керак.

4. Тараққиёт ривожини тезлашганлиги туфайли ёшларда меҳнат анъаналари асосида олинган меҳнат тарбиясининг таркибий тузилмаси ва талаблари ҳам ўзгармоқда, эндиликда ушбу жараён рақамли технологияларни тушунишда акс этмоқда.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Меҳнатга инновацион муносабатни шакллантиришнинг ёшлар ижтимоий фаоллигини юксалтиришдаги аҳамияти”** деб номланиб, унда янги ривожланиш даврида мамлакатимизда ёш мутахассисларнинг касб фаоллигини оширишнинг замонавий усуллари, шунингдек, ёшларни ижтимоий фаоллигини юксалтиришга қаратилган шахс меҳнат маданиятини шакллантириш ва ёшларнинг ижодий яратувчанлик хусусиятларини юксалтириш жараёнларининг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган.

Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида ёшлар меҳнاتини инновацион тараққиёт талабларига мос суратда ташкил этиш, шахснинг эркинлигини таъминлаш, меҳнат қилиш, бандликга доир ҳуқуқини янада мустаҳкамлаш, меҳнатга муносиб ижтимоий шарт-шароит яратиш асосида ёшларнинг интеллектуал имкониятлари, яратувчилик салоҳиятидан самарали фойдаланиш вазифаси илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси демократик ислоҳотлар натижасида Халқаро Меҳнат ташкилотига аъзо бўлди ва ушбу ташкилотнинг 14 та, жумладан, 8 та асосий конвенцияси, шунингдек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга доир конвенциялари мамлакатимизда ратификация қилинди ва бу орқали ёшлар меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди<sup>12</sup>.

Демократик ислоҳотлар давомида, шахс меҳнатига янгича ёндашувлар шаклланаётганлиги боис меҳнат бозорларини илмий асосланган методологияга таяниб тадқиқ қилиш зарурияти туғилмоқда. Муаммо таҳлилига бундай ёндашув, жамият тараққиёти илгари сураётган ижтимоий талаблар, ёш мутахассислар касб фаоллигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини тасдиқлайди.

